Торгово-промышленная палата

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ**

**ФАРМОЙИШИ**

**РАСПОРЯЖЕНИЕ**

**КАБИНЕТА МИНИСТРОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

„6“ апреля 2017 й. г. № 379-Ф Тошкент ш. – г. Ташкент

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида” 1995 йил 5 январдаги ПФ-1030-сон Фармонига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун тадбиркорлар, фермерлар ва ҳунармандлар ўртасида 2016 йил якунлари бўйича ўтказиладиган “Ташаббус-2017” кўрик-танловини юқори савияда ташкил этиш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

“Ташаббус-2017” кўрик-танловини тайёрлаш ва ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг таркиби 1-иловага мувофиқ;

“Ташаббус-2017” кўрик-танловини ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. “Ташаббус-2017” кўрик-танлови босқичларининг ўтказилиш муддатлари қуйидагича этиб белгилансин:

туман (шаҳар) босқичлари – 2017 йил 20 апрелдан 25 апрелга қадар;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичлари – 2017 йил 25 апрелдан 3 майга қадар;

республика босқичи – 2017 йил 16-17 май кунлари “Ташаббус-2017” кўрик-танловининг очилиш маросими ва кўргазмаси, 2017 йил 22 май куни “Ташаббус-2017” кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими.

3. “Ташаббус-2017” кўрик-танловини тайёрлаш ва ўтказиш бўйича ташкилий қўмита (Р.С. Азимов):

уч кун муддатда “Ташаббус-2017” кўрик-танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни ва кўрик-танловнинг босқичлари бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

“Ташаббус-2017” кўрик-танловининг юқори савияда ўтказилиши ва ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги “Туркистон” санъат саройини “Ташаббус-2017” кўрик-танловининг республика босқичини ўтказишга тайёрлаш ҳамда кўргазма ва тақдирлаш маросими бўлиб ўтадиган кунларда “Туркистон” санъат саройидан фойдаланиш билан боғлиқ масалаларни ўз вақтида ҳал этилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси “Ташаббус-2017” кўрик-танловининг республика босқичи ғолиблари учун уч дона автотранспорт воситасини ўз вақтида харид қилиш чораларини кўрсин.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SAVDO-SANOAT PALATASI
KM-276 07.04 2017 yil

6. “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси билан биргаликда “Ташаббус-2017” кўрик-танловининг республика босқичи ўтадиган жойларда светодиод (LED) экранларини ва ҳавозаларни шартнома асосида белгиланган тартибда вақтинча ўрнатилишини таъминласин.

Бунда юртимизда истиқлол йилларида эришилган улкан натижалар, шунингдек тадбиркорликни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида видеоролик тайёрлаш ва экран орқали “Ташаббус-2017” кўрик-танловининг республика босқичи давомида намойиш этилишини ташкил этиш Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари “Ташаббус-2017” кўрик-танловининг туман (шаҳар) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларини юқори савияда ўтказилиши, “Ташаббус-2017” кўрик-танловининг республика босқичи иштирокчиларининг Тошкент шаҳрига ўз вақтида, марказлашган ҳолда келиб-кетишини таъминлаш учун барча чораларни кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ёшларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш, мулкдор бўлиш иштиёқини янада ошириш, тадбиркорлар эришган ютуқлар, уларнинг келгуси режалари ҳақида маълумотга эга бўлишига эришиш мақсадида олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида таҳсил олаётган ёшларни ва битирувчиларни “Ташаббус-2017” кўрик-танлови кўргазмаларига кенг жалб қилинишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги “Ташаббус-2017” кўрик-танлови республика босқичи иштирокчиларининг ўз маҳсулотлари билан Тошкент шаҳрига келиб-кетиши, шунингдек кўргазма вақтида хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибини сақлаш бўйича тегишли чораларни кўрсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги “Ташаббус-2017” кўрик-танловининг барча босқичлари бўлиб ўтиш жойларида тез тиббий ёрдам хизмати навбатчилигини ташкил этсин.

11. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги “Ташаббус-2017” кўрик-танловининг барча босқичларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкиллаштирсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги “Ташаббус-2017” кўрик-танлови республика босқичининг тантанали ёпилиш маросимига таниқли санъаткорлар иштирокини белгиланган тартибда таъминласин.

13. Ушбу фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. [illegible] зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **А.Арипов**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
Умумий бўлим
№ 1

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 6 апрелдаги 379-ф- сон
фармойишига 1-илова

**“Ташаббус-2017” кўрик-танловини тайёрлаш ва ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг таркиби**

| | |
|---|---|
| Азимов Р.С. | – Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ташкилий қўмита раиси |
| Саидова Г.К. | – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазири, Ташкилий қўмита раиси ўринбосари |
| Шайхов А.Э. | – Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси, Ташкилий қўмита раиси ўринбосари |
| Турдиев С.Т. | – Ўзбекистон Фермерлари кенгаши раиси, Ташкилий қўмита раиси ўринбосари |
| Хакимов А.А. | – Ўзбекистон халқ усталари, хунармандлари, мусаввирлари “Ҳунарманд” уюшмаси раиси, Ташкилий қўмита раиси ўринбосари |

**Аъзолар:**

| | |
|---|---|
| Абдухакимов А.А. | – Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазири |
| Муратов М.М | – Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири |
| Салимов У.З. | – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазири биринчи ўринбосари – Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директори |
| Усмонов А.А | – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг ўринбосари |
| Туляганов Ш.А. | – Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири ўринбосари |
| Мирзаев М.М. | – Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари |
| Аминов Р.А. | – Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси ўринбосари |
| Шакиров Х.А. | – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосари |
| Маъруфова Г.М. | – Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари |
| Рафиков Қ.М | – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси |
| Жавлонов Ш.С. | – Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди раиси |
| Нуриддинов А.В. | – Ўзбекистон Республикаси Бадиий Академияси раиси |
| Ашуров С.Г. | – “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раиси вазифасини вақтинча бажарувчи |

| | |
|---|---|
| Тамикаев А.У. | – “Агробанк” АТБ бошқаруви раиси |
| Мирсоатов А.Қ | – “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ бошқаруви раиси |
| Ҳайдаров А.Я | – “Микрокредитбанк” АТБ бошқаруви раиси |
| Мусаев О.М. | – “Ипотека-банк” АТИБ бошқаруви раиси |
| Қосимов Р.Қ. | – “Асака” АТБ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари |
| Нагаев А.Р. | – “Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси” АЖ бошқаруви раиси вазифасини вақтинча бажарувчи |
| Усманов Ш.Г. | – Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси раисининг ўринбосари |
| Нуритдинов Х.Б. | – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раисининг биринчи ўринбосари |
| Кадиров Ш.М. | – “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси бош директори |
| Мустафаев Ж.И | – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ижрочи директори |
| Маҳмудова Г.Ғ. | – Ўзбекистон Ишбилармон аёллар уюшмаси раиси |
| лавозими бўйича | – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари |
| Игамбердиев Х.Ф | – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Макроиқтисодий ривожлантириш, таркибий ўзгартиришлар ва хорижий инвестицияларни жалб этиш масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти мудирининг биринчи ўринбосари |

**Изоҳ:**

*1. Жойлардаги кўрик-танлов жараёнини ўтказиш бўйича ҳудудий комиссиялар таркиби Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари қарорлари билан тасдиқланади.*

*2. Ташкилий қўмита аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда уларнинг лавозимига янгидан тайинланган шахслар ташкилий қўмита таркибига киритилади.*

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 6 апрелдаги 379-ф-сон
фармойишига 2-илова

**“Ташаббус-2017” кўрик-танловини ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар**

| **Ташкилотлар** | **Маблағ миқдори** (минг сўм) |
|---|---|
| **Кўрик-танловнинг республика босқичини ўтказиш ва ғолибларни тақдирлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун ажратиладиган маблағлар*** | |
| Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига Давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлар жамғармасидан тушадиган маблағлар ҳисобидан | 210 000 |
| Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши | 20 000 |
| “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши | 20 000 |
| Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки | 10 000 |
| “Асака” АТБ | 10 000 |
| “Микрокредитбанк” АТБ | 10 000 |
| “Агробанк” АТБ | 10 000 |
| “Ипотекабанк” АТБ | 10 000 |
| “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ | 10 000 |
| Ўзбекистон Фермерлари Кенгаши | 8 000 |
| Ўзбекистон халқ усталари, хунармандлари, мусаввирлари “Ҳунарманд” уюшмаси | 5 000 |
| **Кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар босқичларини ўтказиш ва ғолибларни тақдирлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун ажратиладиган маблағлар**** | |
| Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига Давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлар жамғармасидан тушадиган маблағлар ҳисобидан (барча ҳудудлар учун жами) | 140 000 |
| Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан (алоҳида ҳар бир ҳудуд учун) | 18 000 |

* “Туркистон” санъат саройини “Ташаббус-2017” кўрик-танловининг республика босқичини ўтказишга тайёрлаш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар мазкур маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

** Юқоридаги маблағлардан ташқари “Ташаббус-2017” кўрик-танловининг ҳар бир туман (шаҳар) босқичларини ўтказиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан 7,0 млн. сўмдан маблағлар ажратилади.